

# Набий алайҳиссаломнинг доим ўқиб юрган дуолари



09:00 / 19.05.2022 6902

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги дуоларни кеч кирганида ва тонг отганида ҳеч тарк қилмас эдилар:**

وَفَعَلَا كُلَّ أَسَاءٍ نِيَّانٍ مُّهِلَلٍ أَوْ آيُنْدَلٍ فِي فَعَالٍ كَلَّ أَسَاءٍ نِيَّانٍ مُّهِلَلٍ  
نَمْ آوِي تَارُوعُ رُتْسَاءٍ مُّهِلَلٍ. يَلَامُ وَيَلْهَوُ وَيَايُنْدُو وَيَنْدِي فِي فَعَالٍ أَوْ  
نَعَوِي نِيْمِي نَعَوِي فَلَخٍ نَمْ وَيَدِي نَبِي نَمْ يَنْطَفِحَاءٍ مُّهِلَلٍ. يَتَاغُورُ  
يَتَحْتُ نَمْ لَاتُغَاءٍ نَأْ كَتَمَطْعَبُ دُوعَاءُ وَيَقُوفُ نَمْ وَيَلَامُ ش

**«Аллоҳумма инний ас`алукал ъафийата фиддунйа вал ахироҳ. Аллоҳумма инний ас`алукал ъафва вал ъафийата фий дийний ва дунйайа ва аҳлий ва малий. Аллоҳуммастур ъавротий ва амин равъаатий. Аллоҳуммаҳфазний мин байни йадайя ва мин холфий ва ъан йамийний ва ъан шималий ва мин фавқий ва аъзуз биъазоматика ан уғтала мин таҳтий».**

**Маъноси:** Аллоҳим, мен Сендан дунё ва охиратда офият сўрайман. Эй Раббим, динимда ва дунёимда, аҳлимда ва молимда афв ва офият сўрайман. Эй Раббим, авратимни бекит, хавфларимни омонликка айлантир. Эй Аллоҳим, мени олдимдан, орқамдан, ўнг томонимдан, чап томонимдан,

*устимдан сақлагин. Эй Раббим, остимдан ҳалок қилишингдан Сенинг азаматинг ила паноҳ тилайман.*

*Абу Довуд, Насайй, Ибн Можалар ривояти.*